



ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Қабул қилувчи ташкилот	Норин тумани тиббиёт бирлашмаси *
2	Буюртмачи	Норин тумани тиббиёт бирлашмаси
3	Буюртма учун асос	калькуляция
4	Объектнинг жойлашган манзили	Норин тумани Беруний куча
5	Катнашувчи учун талаблар	<ul style="list-style-type: none"> - Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва Гувоҳномадан, Таъсисчи ва раҳбарнинг Паспорт нусхалари). - Танловда катнашиш кунда Давлат солиқ инспекциясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома. - Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги икки йиллик иш тажрибаси. - Банк қафиллиги бўлсин. - Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари. - Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати. - калькуляция, шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари.
6	Товар (иш хизмат маҳсулот) номи ва миқдори	Норин тумани тиббиёт бирлашмаси қирхонасини аутсорсинг хизматига утказиш
7	Иш тури	Қир ювиш хизмати
8	Хизматларни бажариш муддати	Шартномаларни имзолаган кундан бошлаб 15 кун муддатда
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Хизматларни бажариш жараёнида ёнги, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиниши шарт.
10	Молияташириш манбаи	Норин тумани тиббиёт бирлашмасининг бюджетдан ташқари жамғармасидан маблағлари ҳисобидан.

ТТБ бош.лиги уринбосари:

Бош ҳисобчи:

Иқтисодчи:

Қури.иш ишлари бўйича мутахасис:

М.Собиржонов

З.Абдукаҳҳарова

Д.Исаков

М.Абдурахманов



«TASDIQLAYMAN»
«Norin tumani tibbiyot
birlashmasi»

Н.Холмирова

«12» феврал 2022 й

БУЮРТМАЧИ:

« Norin tumani tibbiyot birlashmasi »

Норин тумани tibbiyot birlashmasi кирхонасини
аутсорсинг хизматига утиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Норин тумани -2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Норин тумани тиббиёт бирлашмаси кирхонасини аутсорсинг хизматига ўтказиш учун малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – **16 400 000 (ун олти миллион турт юз минг)** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиккан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун.

1.4. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “**Норин тумани тиббиёт бирлашмаси**” (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 91511, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Норин тумани, Беруний кўча,

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “**Норин тумани тиббиёт бирлашмаси**” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга байрам тадбирлар харажатлари ва совгалари билан таъминлаш бўйича малакали хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган юридик макомга эга бўлган ташкилотлар ўзининг низоми ва лицензия асосида тақдим этган ҳолда иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва Гувоҳномадан, Таъсисчи ва раҳбарнинг Паспорт нусхалари).

-Танловда катнашиш кунда Давлат солиқ инспекциясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги икки йиллик иш тажрибаси.

- Банк кафилиги бўлсин.

- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

- Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.

- Калькуляция, шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.